
ФАРҒОНАДА “ЙИЛ АЁЛИ” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳрида “Йил аёли” республика миллий танловининг вилоят босқичи ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова иштирок этди.

Очилиш маросимида 19 та шаҳар-туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган 152 нафар иштирокчилар вилоят босқичига етиб келгани маълум қилинди. Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, оилада ва фарзанд тарбиясида ибрат бўлиш билан бирга ўзи фаолият кўрсатаётган ташкилот нуфузини оширишда фаол иштирок этаётган турли соҳа эгалари бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, муносиб тақдирлаш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш танловининг асосий мақсади эканлиги айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган 35 ёшдан юқори ҳамда ўз йўналиши бўйича фаолият билан камида 5 йил мобайнида узлуксиз шуғулланиб келаётган аёллар, шунингдек, уй бекалари қатнашаётган мазкур танловда иштирокчиларни саралаш учун ҳакамлар ҳайъати аъзолари таништириб ўтилди.

Шундан сўнг номзодлар “Ўзини таништириш”, “Савол ва жавоб”, “Замонавий ўзбек аёли” мавзусидаги видеоролик намойиши шартлари бўйича ўз имкониятларини намоён этишга киришдилар.

Яқунда йилнинг энг ватанпарвар аёли, олима аёли, тадбиркор аёли, ижодкор аёли, энг яхши уй бекаси, энг фаол соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси, энг янги ғоялар ташаббускори, энг яхши IT - дастурчи аёли каби қатор номинациялар бўйича ғолиблар номи эълон қилинади ва республика босқичи қатнашчилари маълум бўлади.

Маълумот ўрнида: Низомга кўра, танловнинг республика босқичида олий ўрин - Гран прини қўлга киритган иштирокчи олий даражадаги диплом, статуэтка ва Президент совғаси - автомобиль билан тақдирланади. 1- 2- ва 3-ўрин эгаларига ҳам дипломлар ва белгиланган миқдордаги пул мукофотлари топширилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-11-16 21:57:47